

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛОВ ЗОКИР ПАРДАЕВИЧ

**ТРЕНЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ – ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси
13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Расулов Зокир Пардаевич

Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш
механизмларини такомиллаштириш 3

Расулов Зокир Пардаевич

Совершенствование механизмов развития профессионально-
психологической подготовки тренеров 31

Rasulov Zokir Pardaeovich

Improvement of mechanisms for the development of professional and
psychological training of trainers 61

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работы 65
List of published scientific works

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАСУЛОВ ЗОКИР ПАРДАЕВИЧ

**ТРЕНЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ – ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси
13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped 459 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ZiyoNet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ярашев Комилжон Дехқонович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Шопулатов Абдумалик Нуруллаевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Шарипова Дилором Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамов Жасур Анварович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "16" "сентябрь" соат 08:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий В-бини, 2 - қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (211425 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2021 йил 7 сентябрь кунлари тарқатилган.

(2021 йил "7" сентябрь даги 23 рақамли реестр баённомаси).



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д (PhD)

Д.Дж.Шарипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти спорт тренерларининг касбий-психологик тайёргарлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш, таълим муассасаларида спорт тренерларининг касбий компетентлигини юқори даражада ривожлантириш, уларни ўқитиш ва малакасини оширишнинг методик жиҳатдан илғор педагогик ва психологик услубий тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш заруриятини тақозо этмоқда. Спорт тренерларини тайёрлашнинг янги технологияларга бўлган эҳтиёжи ортиб, юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини оммавийлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Дунёдаги кўпгина жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муассасаларда тренерлик фаолияти даражасини такомиллаштириш юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, юксак малакали тренерларни тайёрлашда шахсий ва касбий сифатлари, педагогик ҳамда психологик модели, шахсга хос дидактик, коммуникативлик, бошқарувчанлик қобилиятини шакллантиришга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тренер фаолиятининг индивидуал услуги, бошқарув типлари, спортда педагогик маҳорати ҳамда унинг спорт техникаси, ўқитиш усуллари бўйича малакага эга бўлиши, ўқув жараёнини ва танловларни назорат қила олиши ҳамда олдиндан жараёни баҳолашни тўғри ташкил этиш қобилиятининг илмий-услубий асослари, бўлғуси спорт тренери касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Республикамызда тренерлар касбий тайёргарлигига назарий, амалий, методик ёндашиш ҳамда касбий тайёрлашнинг тузилиши ва унинг методикаларини такомиллаштириш, тренерлик фаолиятида зарур бўладиган касбий билим, малака ва кўникмаларни аниқлаш масалалари тадқиқ этилган. “Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга”¹ йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга оширишда касбий масалаларга алоҳида вазифалар белгиланган. Тренерлик фаолиятининг ижодий компонентлари, унинг инсоний кадрятлар билан уйғунлик ҳолати, касбий фаолиятдаги маънавий ва ахлоқий муносабатлар, инсон қобилиятлари ва маҳсус қобилиятларнинг касбий фаолиятнинг самарадорлигига таъсири, шахслараро муносабатларнинг тренерлик фаолиятидаги аҳамияти, тренер ва спортчи ўртасидаги ўзаро таъсир жараёни каби масалалар қисман ёритиб ўтилган. Тренерлик фаолиятининг ижтимоий мазмунини, уларни касбий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 03.06.2017 й. ПҚ-3031 сонли Қарори. «Халқ сўзи», 2017 й., 111 (6805)-сон; ЎР ҚТ, 2017 й., 23-сон, 455-модда

педагогик жиҳатдан тайёрлашнинг методикаларини тубдан такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 мартдаги ПФ–5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 3 июндаги ПҚ–3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда бир қатор тадқиқотчи ва олимлар томонидан тренерлик фаолияти, спорт тренерларининг касбий тайёргарлиги, касбий компетентлиги, тренерларга хос касбий фазилатлар, тренерларни тайёрлашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш борасида эътиборга молик изланишлар олиб борилган. Бунда асосан тренерлик фаолиятида спортчиларни тайёрлашнинг педагогик ва психологик масалаларига эътибор қаратилган. Тадқиқотчи олимлардан Э.Ғ.Ғозиев, З.Ғ.Гаппаров, М.М.Маматов, Й.Н.Машариповлар муаммонинг соф психологик жиҳатларига ва мусобақа муҳити омиллари орқали ёритишга кенг эътибор қаратишган². Бундан ташқари, жисмоний тарбия бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини такомиллаштириш ишлари Р.Д.Халмухамедов, Ф.А.Керимов жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига давлат талабларини такомиллаштиришнинг ташкилий-методик жиҳатлари Т.С.Усманходжаев, А.Н.Абдиев жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касб маҳоратини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари Н.Т.Тўхтабоев томонидан педагогик жиҳатдан етарлича тадқиқ этилган³.

² Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология.Т.: “Университет”.2005. -145 б.;Гаппаров Захид Гаппарович «Спорт психологияси» Т. 2011. – Б.85; Маматов М.М. Спорт психологияси курсидан маъруза мавзулари ва унинг матни. Университет. 2002.; Й.Н.Машарипов Спорт психологияси: Ўқув қўлланма.–Тошкент:«Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2010. – Б.66.

³Халмухамедов Р.Д. Бокс назарияси ва услубиёти.-Т., 2008. – Б.40; Ф.А.Керимов Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар.-Т.: «Zag qalam», 2004. – Б.78; Т.С.Усмонхаджаев Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью (на материалах общеобразовательных школ Узбекистана) - Т., 1995. – Б.68; Абдиев А.Н. Яккакураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда

Педагог ва психолог олимлардан Г.Д.Бабушкин, Е.Д.Белова, И.С.Дятловская, А.А.Деркач, А.А.Исаев, Я.А.Корх, А.А.Лалаян, Е.П.Ильин, Г.В.Ложкин, М.В.Санаялар тренерлик фаолияти ва тренер шахсининг ўзига хос психологик хусусиятлари борасида илмий изланишлар олиб борган. Ушбу тадқиқотлар орқали касбий компетентлик, тренерларга хос касбий фазилатлар, тренерлар касбий-психологик тайёргарлиги, тренер шахси ва унинг касбий сифатлари, тренер педагогик фаолиятининг психологик структураси, лойиҳалаш қобилияти, касбий аҳамиятли сифатлари, тренер фаолиятининг индивидуал услуги, бошқарув типлари ва тренерлик, спортда педагогик маҳорат ва унинг педагогик, психологик жиҳатлари каби қатор масалалар кенг тадқиқ этилган.

Юқоридагилардан фарқли ўларок, фаолият муаммосининг эътиборга молик тадқиқотлари А.Г.Асмолов, Е.А.Климов, А.А.Крылов, А.Н.Леонтьев, Г.С.Никифоров, Г.В.Суходольский, В.Д.Шадриковларнинг илмий концепциялари мазмунида, шахс тушунчаси таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлар Б.Г.Ананьев, В.Л.Марищук, В.С.Мерлин, Ю.П.Платонов, С.Л.Рубинштейн, В.В.Столин илмий изланишларида, ёшлар спортида тренер фаолиятининг психологик жиҳатлари С.И.Волков, В.М.Прохорова, И.Н.Решетень, Р.Н.Терехиналар томонидан атрофлича ўрганилган⁵.

Спорт тренери фаолиятини ва шахсини педагогик ва психологик жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича тадқиқотлар илк бор 20 аср ўрталарида бошланган. Муаммо борасидаги янада кенгроқ фундаментал тадқиқотлар

мураббийнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Дисс.. д-ра пед. наук – Т.: 2004.– Б.17.

⁴ Бабушкин Г.Д. Спортивная психология Омск,: Изд-во СибГУФК, 2012 – С.70; Белова Е.Д. Педагогическое мастерство как результат развития педагогической способности тренера // Социально-психологические проблемы современного общества и человека: пути решения: материалы Международной научно-практической конференции, 29-30 октября 2015 г. / ВГУ имени П.М. Машерова. – Витебск, 2015. - С.122-123.; Деркач А.А., Исаев А.А. Педагогическое мастерство тренера 2000. – С.84; Исаев, А. А. Спортивная политика России / А. А. Исаев. - М.: Советский спорт, 2002. – С.73; Корх А. Я. Тренер: деятельность и личность : Учебное пособие. -М.: Терра-Спорт, 2000.– С.91; Ильин Е.П. Психология спорта. – СПб.: Питер, 2008. – С. 146; Ложкин Г. Интерперсональные конфликты в спортивной команде // Человек в мире спорта : Новые идеи, технологии, перспективы : Тез. докл. Междунар. конгр. - М., 1998.-Т.2. - С. 379 – 380;Саная М.В. Психологические особенности деятельности и личности тренера: Лекция для студентов РГАФК. -М.: РГАФК, 1997. – С.58.

⁵ Асмолов А.Г. Психология личности. М.: МГУ, 1990. – С.98; Климов Е. А. Психология профессионального самоопределения. - Ростов-на-Дону: Изд-во «Феникс», 1996. – С.123; Крылов А.А. Психология. Учебник. М.: Проспект, 1999. – С.88; Леонтьев А.Н. Деятельность Сознание. Личность. – п.в. Изд. 2-е. - М.: Политиздат, 2009. – С.121; Никифоров Г.С.Надежность профессиональной деятельности.-СПб., 1996. – С.58; Суходольский Г.В. Математико-психологические модели деятельности СПб.: ТОО ТК «Петрополис», 1994. –С.37; Шадриков В.Д. Проблемы системогенеза профессиональной деятельности. М.: Наука, п.изд.2011. – С.42; Ананьев Б.Г. Психология и проблемы человека. М., 1996.- С.25-44.; Марищук В.Л., Евдокимов В.И. Поведение и саморегуляция человека в условиях стресса. СПб.: Дом, 2004. – С.59; Мерлин В.С. Очерк интегрального исследования индивидуальности. М.: Знание, вт. изд. 2007. – С.114; Платонов Ю.П. Актуальные проблемы управления персоналом. -СПб., 1998.–С.59; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. СПб: Питер, 2000. – С.323; Столин В.В. Самосознание личности. М., изд. ЮНАЙТ.2009. – С.84; Волков С.И. Энергосенсорные дыхательные психотехнологии / С.И. Волков, А.М. Слученков // Вестник психотерапии. 2006.-N16(21).; Прохорова М.В. Теоретические и методические основы формирования управленческой компетентности специалистов по физической культуре и спорту в условиях высшего физкультурного образования.Автореф.дис.д-рапед.наук.С.-Пб.,1993. – С.20; Терехина, Р.Н. Методы экспертной оценки исполнительского мастерства гимнастов: Метод. пособие / Р.Н.Терехина, Ю.Е.Титов, Л.И.Турищева. – СПб., 1991.– С.128.

60 йиллар охирида Англияда амалга оширилган. Тадқиқотчи Б. Кретти фикрича, мазкур иш педагог А.Хендри томонидан амалга оширилган бўлиб, у идеал спорт тренерининг шахс сифатларини аниқлашга қаратилган⁶. Кейинчалик, спорт тренери фаолиятининг касбий-психологик жиҳатлари борасидаги эътиборга молик изланишлар М.Мосстон, Джон Лой, Джон Вуден, Барри Хуссман каби қатор етакчи хориж олимлари томонидан амалга оширилган⁷.

Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, мазкур тадқиқот иши тренерларни тайёрлашда касбий-психологик жиҳатдан ёндашилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тадқиқотчилар асосан, тренерлар фаолияти учун шарт саналган касбий маҳорат, касбий компетентлик, касбий ташаббускорлик ва касбий ўзини-ўзи ривожлантириш каби жиҳатларга эътибор қаратишган. Бироқ, муаммонинг айнан биз томондан тадқиқ этилаётган жиҳати яъни тренерлар касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик масалалари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу боис, мазкур тадқиқот иши, педагогика фанлари соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар учун янги назарий-амалий имкониятлар яратишга хизмат қилади. Юқорида қайд этилган барча хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар мазмуни диссертация ишимизнинг назарий-методологик асосини ташкил этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг V-2-50 «Олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тренерлар касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантирувчи механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий концептуал ёндашувлар асосида тренерлар шахсига хос касбий-психологик хусусиятларни аниқлаштириш;

амалдаги ўқитиш механизмларининг фаолият учун зарур бўлган касбий ва шахсий сифатларни шакллантиришдаги ўрнини самарали методикалар асосида аниқлаш;

⁶ Кретти Брайнет Дж. Психология в современном спорте. - М.: Физкультура и спорт, 2009. – С.97.

⁷ Mosston M., Ashworth S. Teaching physical education. Columbus — Toronto — London — Sydney: Merril Publ. Co., 2011.; Loy John W., McPherson Barry D., Kenyon Gerald. Sport and political systems // Loy John W., McPherson Barry D., Kenyon Gerald. Sport and Social systems. London, 2012. - pp. 287 - 296.; Вуден Д. Современный баскетбол: Пер. с англ./Д. Вуден. М.: Физкультура и спорт, 2007. – С.89; Husman, B.F., & Silva, J.M. Aggression in sport: Definitional and theoretical considerations. In J. M. Silva & R. S. Weinberg (Eds.), Psychological foundations of sport, 2004. P. 246 - 260. Champaign, IL: Human Kinetics.

тренер фаолиятининг индивидуал жиҳатлари, шахсий сифатлари ҳамда касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини аниқлаш;

тренерларни амалдаги тайёрлаш механизмлари асосида касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган вариатив ахборот-услубий таъминотини тизимлаштириш ҳамда тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига спорт таълим муассасаларининг 340 нафар тренерлари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш омиллари, модели ва механизми ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-педагогик адабиётларни ўрганиш, педагогик кузатув, анкета ва сўровномалар (“Касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни аниқлаш” М.А.Дметреева, “Тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услуби” М.Е.Мельник, “Касбий тайёргарликни ўрганиш” Л.Н.Кабардова), таққослаш, педагогик тажриба ва математик статистика усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тренерлар шахсига хос “кузатувчанлик”, “мустақиллик”, “коммуникативлик”, “ўз-ўзини бошқариш”, “касбий компетентлик”, “сезгирлик” каби асосий касбий-психологик хусусиятлар фактор-матрица асосида эмпирик баҳоланиб, тренинг машғулотларини ташкил этиш алгоритмига адаптив ўзгартиришлар киритиш ҳисобига иш берувчиларнинг талаблари бўйича такомиллаштирилган;

тренерларнинг касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини аниқлаш йўллари модификациялаштириш ҳисобига касбий ва шахсий сифатларнинг педагогик жиҳатдан шаклланиш ва ривожланиш имкониятлари такомиллаштирилган;

тренерларнинг касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини ҳамда тайёргарлик даражасини белгиловчи шкалаларнинг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш орқали индивидуаллик компонентларини тартиблаштириш асосида касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

тренерларни амалдаги тайёрлаш механизмлари асосида касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган вариатив ахборот-услубий таъминотини тизимлаштириш ҳисобига тренерларни тайёрлаш модели такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари касбий-психологик тайёргарлигини шакллантиришга оид “Психология ва спорт психологияси”,

“Спорт психологияси”, “Спорт психодиагностикаси”, “Тренер-ўқитувчининг профессионал компетентлиги ва маҳорати”, “Педагогнинг профессионал компетентлиги ва маҳорати”, “Спорт фаолияти психологияси” каби фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш учун фойдаланилган;

олий таълим муассасаларида касбий-психологик тайёргарликка оид маърузалар ва семинар машғулотларини тайёрлашда ҳамда олимпия захиралари коллежлари, давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг тренер-ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида фойдаланилган;

тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини такомиллаштириш орқали улардаги тренерлик фаолиятини белгиловчи муносабатларнинг педагогик-психологик сифатлари ва уларнинг самарадорлиги педагогик тажрибада исботланган;

тренерлик фаолиятига таъсир қилувчи педагогик-психологик омилларни такомиллаштириш бўйича амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган диагностик усулларнинг самарадорлиги педагогик тажрибада исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, касбий-психологик тайёргарликни ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги чет эл ҳамда республикаміз олимпларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқот вазибаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, натижаларнинг эмпирик жиҳатдан асосланганлиги ва репрезентативлиги билан алоҳида характерланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация жараёнида амалга оширилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, жисмоний тарбия ва спорт таълими муассасаларида таълим олувчи тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид назарий ҳамда методологик жиҳатдан янги маълумотлар билан бойитилган бўлиб, унда спорт психологияси, касбий психология, жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти, педагогик маҳорат ва педагогик-психология тармоқлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Қўлга киритилган натижалар ушбу муаммонинг методологик асосларини такомиллашувига ва тренерларда касбий-психологик тайёргарликни ривожлантиришда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса жисмоний тарбия ва спорт таълим муассасалари тизимида тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини оширишда, тренерлар фаолиятига тўсиқ бўлувчи турли педагогик-психологик омилларни бартараф қилишда, касбий хусусиятлар, функционал-иродавий ҳаракатлар барқарорлигини ва индивидуал-психологик хусусиятларни такомиллаштиришда самара беради. Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва амалий тавсиялардан, спорт соҳасидаги

тренерлар, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт психологлари касбий фаолияти давомида кенг фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқот ишлари натижалари асосида:

“кузатувчанлик”, “мустақиллик”, “коммуникативлик”, “ўз-ўзини бошқариш”, “касбий компетентлик”, “сезгирлик” каби асосий касбий-психологик хусусиятларни тренер шахсида шаклланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 32 сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 03-07-08-667-сон маълумотномаси). Натижада, спорт фаолиятини яқунлаган спортчилар тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари, педагогик фаолиятни юритиш, шунингдек, зарур ва етарли ҳажмда янги билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши учун хизмат қилган;

тренерлар касбий-психологик тайёргарлигини такомиллаштиришни диагностика қилиш учун мўлжалланган психодиагностик методикалар тизимини ишлаб чиқиш ва баҳолашдан олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиалларида малака ошириш курсларига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 03-07-08-667-сон маълумотномаси). Натижада тренерларнинг “сезгирлик”, “ақлий-интеллектуал фаоллик”, “иродалилиқ”, “кузатувчанлик”, “коммуникативлик” ва “диққатнинг барқарорлиги” каби касбий компетентлик даражаси марказда ўртача 10,8% га, Нукус филиалида ўртача 9,8% га, Самарқанд филиалида ўртача 9,8% га, Фарғона филиалида ўртача 8,8% га ошишига эришилган;

касбий-психологик тайёргарликнинг юқорилиги, касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлар, тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услублари ва касбий тайёргарликка доир натижалар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиалларига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 03-07-08-667-сон маълумотномаси). Натижада, “Педагогнинг профессионал компетентлиги ва маҳорати”, “Спорт фаолияти психологияси” модуллари, “Психология ва спорт психологияси”, “Спорт

психодиагностикаси”, “Тренер-ўқитувчининг профессионал компетентлиги ва маҳорати” “Спорт фаолияти психологияси” модуллари орқали тренерларни ўқитиш сифати 27% га яхшиланган;

тренерларни амалдаги тайёрлаш механизмлари асосида касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган вариатив ахборот-услубий таъминоти бўйича таклиф ва тавсиялар “Касбий психология” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йилдаги 434-сонли буйруғи асосида 434-281-рақамли гувоҳномаси). Натижада, тренерлар ва спорт психологлари фаолиятида “диққатнинг барқарорлиги”, “диққатнинг узоқ вақт тўпланиши”, “сезгирликнинг ошиши”, “иродавий ҳаракатларнинг мустаҳкам даражада ривожланганлиги” ва “кузатувчанлик қобилияти” каби хусусиятлар ривожланиши 8,5% га ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 4 та хориж ва 10 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий ишлар жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта бобдан иборат бўлиб, 158 саҳифали матн, 4 та расм, 31 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган. Ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиқ берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлиги илмий муаммо сифатида**” деб номланган бўлиб, унда касбий-психологик тайёргарликнинг тадқиқотлар доирасида ўрганилганлик ҳолати келтирилган. Жумладан, касбий тайёргарлик муаммоси ҳам педагогика фанининг тадқиқот мавзуси сифатида талқин қилиниши назарий

манбалар асосида ёритиб берилган. Назарий таҳлил асосида, касбий-психологик тайёргарликни бўлажак спортчи тренерларда шаклланишида педагогик хусусиятларнинг ўрни кўриб чиқилган.

Тренерлик фаолияти ўз мазмунида касбий ва шахсий қатор хусусиятларни талаб қилади. Тренернинг иши танланган спорт турида ва ёрдамчи билимларда масалан, анатомия, биомеханика, физиология ва бошқаларда касбий ўзига хослик ва ижодкорликни талаб қилади. Тренер спорт техникаси, ўқитиш усуллари бўйича малакали бўлиши, ўқув жараёнини ва танловларни назорат қила олиши ҳамда баҳолашни яхши ташкил этувчи педагог бўлиши лозим.

Тадқиқотчилар Л.И.Лубышева ва В.А.Магинлар таъкидича, спорт тренерининг спортдаги муваффақияти унинг касбий профессионаллик даражасига боғлиқ. Малакали тренер бу-касбий фаолиятни юксак даражада эгаллаган, иш жараёнида онгли равишда ўзгариб, ривожланиб борадиган, ўз касбига ижодий ҳисса қўша оладиган мутахассисдир. Спорт тренерининг фаолияти кўп қиррали бўлиб, унинг алоҳида функциялари мустақил амалга оширилади, чунки спортчининг маданиятини, машғулотининг ташкилий ва бошқа функцияларини бир-биридан ажратиш қийин.

Мутахассис педагог В.П.Лукьяненко фикрича, спорт фаолиятида қобилиятлар нафақат билим ва кўникмаларни юқори эгаллаш балки, юқори натижаларга эришишнинг тезкор ва муваффақиятли шартидир. Ҳар бир шахсда педагогик қобилиятлар умумий қобилиятлар асосида шакллантирилади. Тренер педагогик фаолиятининг ўзига хос шакли-ёш спортчиларнинг спортдаги тарбиявий сифатлари билан намоён бўлади.

Тренернинг самарадор фаолияти қатор омилларга боғлиқ: иқтисодий, ижтимоий, илмий, ташкилий ва ҳоказо. Тренернинг баҳоси унинг дунёқараши, қобилияти, характери, хулқ-атвори, ақлий ҳолати, унинг ишдаги самарадорликка катта таъсир кўрсатаётганлиги билан боғлиқ. Педагогик фаолиятда профессионал малака концепциясининг асосий элементлари: умумий ва педагогик маданиятнинг юқори даражаси, гуманитар йўналиш, касбий ва ахлоқий фазилатлар, касбий билимлар ва кўникмалар, педагогик қобилиятлар ва ижодкорлик хусусиятларидир.

Касбий-психологик тайёргарлик феномени ҳозирга қадар қатор педагог ва психолог олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган бўлиб, ҳанузгача унинг педагогик жиҳатлари борасида эътиборга молик тадқиқотлар етарли эмас. Аксарият тадқиқотларнинг мазмуни маданий тарихий назариялар, гуманистик педагогика, интерактив тушунчалар концепцияси, педагогик ва психологик антропология йўналишлари мазмуни негизига асосланган. Маҳаллий тадқиқотларда эса, тренерлик фаолиятининг соф педагогик жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган. Тренерлар касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасида деярли тадқиқотлар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, таҳлил этилган барча назарий қарашларда тренерларни касбий-психологик тайёргарлиги ҳамда уни такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалар, муаммо доирасида аниқ тасаввурлар бера олмайди. Бироқ, мазкур концепциялар таҳлилида қуйидаги педагогик-

психологик жиҳатларни эътиборга олиш аҳамиятли саналади. Яъни бўлғуси спорт тренерининг касбий-психологик тайёргарлигини таъминловчи кузатувчанлик, мустақиллик, коммуникативлик, ўз-ўзини бошқариш қобилияти, касбий компетентлик, педагогик маҳорат, сезгирлик, креативлик, социал интеллект, альтруизм (фидойлик), толерантлик, ватанпарварлик, сабр-тоқатлик, юқори мотивация (давогарлик), когнитив фаоллик, эмоционал барқарорлик, ахлоқийлик, мослашувчанлик, тартибга солувчанлик, ахборот – информацион компетентлик каби тушунчалар баъзи тадқиқотлар эътиборидан четда қолган.

Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда, тренер шахсининг когнитив соҳаси, аффектив соҳаси, хулқ-атвор соҳаси, ҳиссий-эмоционал соҳаси, ижтимоий идрок соҳаси баъзи тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Бироқ, ушбу соҳалардаги мукамалликларсиз тренерлик касбини педагогик ва психологик жиҳатдан тасаввур этиш эҳтимолдан ҳоли саналади. Педагогик ва психологик адабиётларнинг таҳлиliga кўра, тренерлар касбий - психологик тайёргарлигининг такомиллигини белгиловчи психологик асослар қуйидагиларда акс этади.

1. Когнитив компонентнинг устунлиги – бу тренер томонидан спортчиларнинг ёш хусусиятларини билиши, ўзини ўзи билиш, бошқа инсонларни тез тушуниш қобилияти.

2. Аффектив компонентнинг барқарорлиги – бу тренердаги ҳиссий қобилият, тажовузкорликни сезиш қобилияти, спортчи шахсининг мотивацияларини англаш, машғулотлар натижаларини прогнозлаш каби қобилиятлари туркуми билан тушунтирилади.

3. Социал перцептив компонент-бу бўлажак тренерлар учун зарур саналган, ижтимоий ҳодисаларнинг тезкор англаш, спортдаги халқаро ҳамкорликларни истиқболини эрта кўра олиш ҳамда юқори ҳаётий ва касбий тажриба кабиларни мазмунан қамраб олади.

Диссертациянинг **“Тренерларга хос касбий сифатлар ва психологик хусусиятларни тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштириш шартлари”** деб номланган иккинчи бобида тренерларда касбий-психологик тайёргарликни такомиллаштиришга доир илмий ёндашувлар, касбий тайёргарликнинг методологик масалалари, спорт тренерларини тайёрлашда педагогик-психологик омилларнинг ўзига хосликлари, спортчиларни тайёрлашда тренер фаолиятининг касбий сифатлари, тренерлик касбини белгиловчи педагогик-психологик хусусиятлар, касбий психологик тайёргарликни шакллантиришда касбий салоҳиятнинг роли ва педагогик муносабатларнинг тренер касбий тайёргарлиги шаклланишига таъсири каби жиҳатлар кўриб чиқилган.

Шунингдек, касбий тайёргарлик масалаларига оид хориж тадқиқотчиларининг назарий қарашларини тадқиқ этишнинг методик таъминоти таҳлилий материаллар асосида баён қилиб қилинган. Бундан ташқари тренерларда касбий психологик тайёргарликни шакллантирувчи

муносабатлар илмий жиҳатдан асосланган, спортчилар муваффақиятга еришишлари учун иродавийлик, кузатувчанлик, сезгирлик ва ақлий-интеллектуал қобилиятларнинг ўзига хослиги келтириб ўтилган.

“Тренер фаолиятининг индивидуал жиҳатлари, шахсий сифатлари ҳамда касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш” деб номланган диссертациянинг учинчи боби тренер касбий психологик тайёргарлигини ўлчашга имкон берувчи методикаларни тавсифлаш, касбий-психологик тайёргарликни акс эттирувчи педагогик-психологик компонентлар шарҳи, бўлажак спорт тренерлари касбий тайёргарлигининг педагогик-психологик тузилмаси ҳамда касбий тайёргарлик ва тренерлик фаолиятини белгиловчи хусусиятлар ўртасидаги муносабатлар жараёнидаги сифатлар ўртасидаги алоқадорлик омиллари аниқланган.

Педагогик тажрибалар қуйидаги босқичларда ташкил этилди.

I босқичда (2013-2015 йиллар) - тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини оширишга доир махсус, илмий-методик адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, педагогика ва психология бўйича ОТМ учун ишлаб чиқилган дастурлар ўрганилди, соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил қилинган ҳолда умумлаштирилди.

Биринчи босқичда олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида илмий тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича амалиётни ўрганиш, спорт педагогикаси ва психологияси назарияси ва амалиётида ўрганилаётган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган мавжуд чора-тадбирлар ўрганилди ва асосий, яъни иккинчи босқич учун зарур бўлган жиҳатлар йўналиши танлаб олинди.

II босқичда (2016-2017 йиллар) давомида тадқиқотлар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бўлажак тренерларида олиб борилди.

Тадқиқотларга 240 нафар тренерлар ҳамда 100 нафар спорт таълими муассасалари раҳбарлари жалб қилинди. Тадқиқотга жалб қилинган 240 нафар синалувчилар икки гуруҳга: тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Касбий-психологик тайёргарлик ҳолатини аниқлаш мақсадида дастлабки жорий тажрибалар ўтказилди.

Ўтказилган жорий тадқиқотда тренерлар касбий-психологик тайёргарлигини такомиллаштириш учун хос бўлган тавсиялар таклиф қилинди. Ушбу жорий тадқиқотда педагогик кузатув усули асосида бўлажак тренерларни касбий-психологик тайёргарлигини такомиллаштириш учун мос келиш ёки келмаслиги ўрганилди. Жумладан, бўлажак тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлиги бўйича психологик билимлар берувчи мавзулар мазмуни такомиллаштирилган ҳолда самарадорлиги аниқланди.

III босқичда (2018-2020 йиллар) педагогик тажриба ўтказилди. Назорат гуруҳига мансуб синалувчилар ОТМда таҳсил олаётган бўлажак тренерлар


касбий-психологик комплекс дастур асосида ўқув машғулотида қатнашдилар.

Тажриба гуруҳига мансуб синалувчилар биз томонимиздан модификацияланган касбий-психологик методлардан фойдаланган ҳолда педагогик тажрибадан ўтказилди.

Тайёрланаётган тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлиги ҳолати тайёр мутахассис кадр сифатида спорт таълим муассасаси (иш берувчи) талабига жавоб беришини ўрганиш, уларнинг билимларидан фойдаланишга бўлган муносабатларини аниқлаш ҳамда амалдаги ўқув-методик жараён имкониятларини аниқлаб олиш мақсадида асосий бюртмачи (иш берувчи) ҳисобланган 100 нафар спорт таълими муассасалари раҳбарларидан анкета сўровномаси ўтказилди. Натижалар таҳлили бўйича тайёрланаётган тренерлар ҳолати иш берувчиларнинг талабаларига тўлиқ мувофиқ деб айта олмаймиз (1-расм).

1-расм

Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлиги ҳолатига иш берувчи (бюртмачи)лар муносабатини аниқлаш бўйича ўтказилган педагогик сўровнома натижалари




Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлиги ҳолатига иш берувчи (бюртмачи)лар муносабатини аниқлаш бўйича ўтказилган педагогик сўровнома натижалари асосида тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган машғулотларини ташкил этиш хусусиятларига аниқлик киритилди.

Тренерларнинг касбий - психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш моделига асосланган педагогик ишланмаларни яратиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган вазифалар саналади. Мазкур жараёнда бўлажак тренерларни касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантиришнинг технологик модели алоҳида ўрин тутди.

Тренерларнинг касбий - психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш модели бу - тизимли равишда амалга ошириладиган технологик механизм бўлиб, уларсиз тренерларни касбий-психологик жиҳатдан тайёрлаш муваффақиятли кечмайди. Бизнингча, ҳар қандай илмий модел тадқиқот объектининг муҳим хусусиятларини, унинг келажақдаги имконияти ва ҳолати ҳақидаги маълумотларни англашга имкон берадиган тасвирдир.

Қолаверса, мазкур модел тренерларни касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантиришнинг механизмлари моҳиятини, уни такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари кабиларни тушунтиришга кенг хизмат қилади. Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигининг технологик модели ўз мазмунида барқарор диққат, ижтимоий интеллект, ҳиссий-иродавий барқарорлик, альтруизм, толерантлик, кучли хотира, кучли ирода, креативлик, ташаббускорлик, илмийлик, ўз-ўзини ривожлантириш, сезгирлик, эмоционал интеллект, фикрлаш услубига эгалик, инноваторлик, муваффақиятга интилувчанлик, даъвогарлик, коммуникативлик, бошқарувчанлик, мустақиллик, ижтимоий компетенция, ижодкорлик, чидамлик ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоизки, биз ўз тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тренерларни касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш учун зарур саналган, энг муҳим касбий хусусиятлар турини ажратиб олишимиз лозим. Қуйида тақдим этилаётган моделда, муваффақиятли тренер учун зарур бўладиган қатор касбий-психологик хусусиятлар акс этиб, ушбу сифатларни тренерларда ривожлантириб боришнинг педагогик механизмлари тизимли равишда кўрсатиб ўтилган (2-расм).



2-расм. Тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини тақомиллаштириш модели

Тадқиқотимизда тренерлар касбий-психологик тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш учун анкета сўровномаси, М.А.Дметреева томонидан ишлаб чиқилган “Касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни аниқлаш” сўровномаси, М.Е.Мельник ва Е.В.Силич томонидан модификация қилинган “Тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услубини ўрганиш” ҳамда Л.Н.Кабардованинг “Касбий тайёргарликни ўрганиш” сўровномаларидан фойдаландик. Булар ўртасида факторли таҳлил ва корреляцион алоқадорлик жиҳатлари ҳам аниқланган.

Тренерларнинг сўровнома шкалалари орасидаги ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала диққат билан боғлиқ хусусияти бўйича, стандарт меъёрга кўра эса, юқори натижани қайд этган. Бу улардаги спорт машғулотлари жараёнини амалга оширишда диққатини барқарор равишда қарата олиши, тез кўчувчанлиги ва диққатини тезлиги билан белгиланади. Иккинчи шкалада эса, кузатиш бўйича тренерларнинг ўртача кўрсаткичи юқорирок натижаларни қайд этган (1-жадвал).

1-жадвал

Касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни аниқлаш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари

Шкалалар	Назорат гуруҳи (n=30)			Тажриба гуруҳи (n=30)			t	p
	\bar{X}	σ	V	\bar{X}	σ	V		
Диққатли	5,59	0,82	14,67	6,03	0,83	13,76	4,13	<0,001
Кузатувчан	4,68	0,72	15,38	5,08	0,74	14,57	4,24	<0,001
Кучли хотира	6,31	1,04	16,48	6,74	1,04	15,43	3,20	<0,01
Восита	7,08	1,09	15,40	7,64	1,13	14,79	3,91	<0,001
Сезгир	6,84	1,14	16,67	7,44	1,13	15,19	4,09	<0,001
Ҳаёлчан	7,19	1,18	16,41	7,57	1,18	15,59	2,49	<0,05
Интеллектуал	6,47	0,98	15,15	7,03	1,04	14,79	4,29	<0,001
Ҳиссий	5,48	0,81	14,78	5,82	0,82	14,09	3,23	<0,01
Иродали	4,84	0,66	13,64	5,2	0,66	12,69	4,23	<0,001
Нутқ	7,18	1,16	16,16	7,68	1,21	15,76	3,27	<0,01
Коммуникатив	5,74	0,82	14,29	6,19	0,84	13,57	4,20	<0,001

Натижалардан қайд этиш мумкинки, тренерларнинг кузатувчанлик қобилияти ўзини ва ўзгаларни кузатиш қобилияти ва четдан туриб кузатиш имконияти юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Учинчи шкала яъни хотира бўйича олинган натижалар стандарт меъёрга кўра,

Ўртачадан юқори эканлигини ва уларда эслаб қолиш қобилияти яхши даражада ривожланганлигини англатади. Тўртинчи шкала восита билан боғлиқ жараён бўлиб, тренерларнинг кўрсаткичлари машғулот жараёнида спортчилар билан бирга турли хил қўшимча кучлар ва воситалардан оқилона фойдаланишидан дарак беради. Спортчиларнинг сезгирлик шкаласи бўйича олган натижалари юқорини ташкил қилган. Бу эса, спортчиларда машғулот жараёнига нисбатан сезгирликни ва ҳушёрликни талаб этади. Шунингдек, бу спортчилардаги ностандарт вазиятларни олдиндан сезиш ва унга тайёрлик даражасини ҳам англатади.

Ҳаёлчан шкаласи бўйича спортчиларнинг умумий кўрсаткичлари ўртачадан юқори натижани қайд этгани ва улар берилган топшириқларни бажаришда тасаввур қилиш қобилиятига эга эканлиги, шу билан биргаликда спортчиларда касбий психологик тайёргарлик жараёнида чалғиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам келиб чиқиши ва натижада машғулот самарадорлигининг пасайиб кетиш эҳтимоли мавжудлигини ҳам кўрсатиши мумкин.

Ақлий-интеллектуал шкала бўйича енгил атлетикачиларнинг натижалари стандарт кўрсаткичларга кўра, юқори натижани ташкил қилганлиги ва спорт машғулотлари билан биргаликда ақлий-интеллектуал имкониятлари ҳам юқори даражада ривожланганлигини кўрсатади. Ҳиссий шкала бўйича бўлажак тренерларнинг кўрсаткичлари ўртачани ташкил қилганлиги, уларнинг фаолияти мураккаб жараёнларга боғланганлиги ва шу асосда ҳиссий ҳолатлар барқарор даражани намоён қилганлиги, машғулотларни самарали равишда олиб бориш имкониятини амалга оширади.

Иродалилиқ шкаласи бўйича тренерларнинг даражаси юқори натижани қайд этгани ва спортчиларда машғулотларни олиб бориш жараёнида иродавий хатти-ҳаракатлар шаклланганлиги, мотивацион ҳаракатларнинг устунлиги ва спорт машғулотларини амалга оширишда ўз устида янада ишлаш механизмларини англатади.



Нутқ шкаласи бўйича енгил атлетикачиларнинг олган натижалари юқори коэффициентни ташкил этгани ва фақатгина ўз касбий фаолияти билан шуғуланмасдан, балки инсонлар билан мулоқот кўникмаларини амалга ошириш ва шахслараро муносабатларга киришиш жараёнида тўсиқларга дуч келмаслигидан далолат беради.

Охирги шкала яъни коммуникативлик бўйича олинган натижалар умумий ўртача қийматни намоён қилган. Бу эса, тренерларда спорт фаолияти билан бирга бошқалар билан ижтимоий муносабатларга киришиш жараёнида бошқаларнинг ўзаро кечинмаларини тушуна олиши, мулоқотчанлик кўникмалари шаклланганлигидан ва фикр-мулоҳазаларни бемалол айта олишидан дарак беради. 3-расмда касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни аниқлаш сўровномасининг умумий ўртача кўрсаткичлари диаграмма шаклида акс эттирилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, енгил атлетикачи тренерларда назорат гуруҳининг тўплаган натижалари касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни аниқлаш сўровномасига кўра, пастроқ натижани қайд этгани ва бу эса, танланган тажриба гуруҳимиздаги олинган натижалар юқорироқ намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

3-расм

Касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларни аниқлаш сўровномаси тажриба ва назорат гуруҳи умумий ўртача кўрсаткичлари



Қуйида келтириладиган жадвалда енгил атлетикачиларнинг тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услубини ўрганиш сўровномаси бўйича

олинган натижаларнинг умумий ўртача кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тренерларнинг касбий психологик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича, тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услубини ўрганиш сўровномасига оид натижалар таҳлили иккита индивидуал услубга асосланади.

2-жадвал

Тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услубини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари

Шкалалар	Назорат гуруҳи (n=30)			Тажриба гуруҳи (n=30)			t	p
	\bar{X}	σ	V	\bar{X}	σ	V		
Хиссий - импровизацион	1,24	0,22	17,74	1,36	0,23	16,91	4,13	<0,001
Хиссий-услубий	0,87	0,13	14,94	0,94	0,14	14,89	4,01	<0,001
Фикрлаш ва импровизацион	1,18	0,19	16,10	1,26	0,2	15,87	3,18	<0,01
Фикрлаш ва методик	1,26	0,22	17,46	1,37	0,23	16,79	3,79	<0,001

Биринчиси, индивидуал услубнинг муҳим хусусиятлари тренерларнинг жараёнга ёки меҳнат натижасига йўналади. Иккинчиси, индивидуал услубнинг динамик хусусиятлари: мослашувчанлик, барқарорлик, ўзгарувчанлик ва ишлаш даражаси тезлиги ҳисобга олинади. Спортчи тренерларнинг биринчи шкала ҳиссий импровизация бўйича олган натижалари ўртачани ташкил қилганлиги, бунинг натижасида тренерларнинг машғулотларга тайёргарлик даражаси ўртача эканлигини кўрсатади, ҳиссий жиҳатдан спорт машғулотларига мунтазам равишда қатнашиши ва доимо касбий фаолиятда тайёр туришидан дарак беради. Иккинчи шкала ҳиссий услубий бўйича спорт тренерларининг даражаси юқори кўрсаткични қайд этган. Бу эса, шундан дарак берадики, енгил атлетикачиларда ўзи танлаган касбий фаолиятнинг амалга ошириш механизмларини ва қай даражада билиш усуллари билан фойдаланишини англади. Машғулотни амалга оширишда қандай усуллар танланса, самарали натижаларни қўлга киритиш йўллари билиш имконини беради.


Учинчи шкала фикрлаш ва импровизацион бўйича спортчи тренерларнинг олган натижалари ўртача кўрсаткични намоён этгани ва касбий фаолияти давомида қийинчиликларга дуч келганда, тўсиқларни енгиш йўллари осон ва тезликда ҳал қилиш билан алоҳида характерланади. Охирги шкала фикрлаш ва методик омил бўйича бўлажак тренерлар қайд этган кўрсаткичлар ўртачадан юқорироқни ташкил қилганини англади. Тренерларнинг касбий психологик тайёргарлиги, уларнинг машғулот фаолиятини бошқа фаолиятларга алмаштириб туриши орқали, касбий қийинчиликларни енгиши ва жисмоний машғулотлар билан биргаликда, ақлий-интеллектуал мушоҳадага чорлайдиган жараёнларга ҳам кириши ўз

олдига қўйган мақсадларни самарали равишда бажариш имкониятини ҳосил қилади.

Енгил атлетикачи тренерларнинг касбий-психологик тайёргарлиги бўйича изланишларимиз шуни кўрасатадики, тренер педагог фаолиятини ўрганиш сўровномаси натижалари тажриба гуруҳининг олган нисбатлари назорат гуруҳига қараганда юқорироқ эканлигини акс эттирган. Стандарт оғиш ҳам назорат гуруҳида қуйи натижа билан фарқланган (4-расм).

4-расм

Тренер педагогик фаолиятининг индивидуал услубини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари



Касбий тайёргарликни ўрганиш сўровномаси натижаларига кўра, тренерларининг касбий йўналтирилган кўникма ва қобилиятларнинг мавжудлиги, ўзаро уйғунлиги, амалга оширилишининг муваффақияти ва ҳиссий жиҳатдан мустаҳкамланиши тўғрисида маълумотлар олишга қаратилган бўлиб, бизга шахснинг маълум бир профессионал соҳада муваффақиятли ишлашга тайёрлигини баҳолаш имконини беради.

3-жадвал

Касбий тайёргаликни ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари

Шкалалар	Нazorat гуруҳи (n=30)			Тажриба гуруҳи (n=30)			t	p
	\bar{X}	σ	V	\bar{X}	σ	V		
Одам-белги	5,56	0,79	14,21	6,01	0,84	13,98	4,27	<0,001
Одам-техника	4,28	0,71	16,59	4,64	0,73	15,73	3,87	<0,001
Одам-табиат	4,86	0,84	17,28	5,14	0,87	16,93	2,54	<0,05
Одам-образ	7,14	0,96	13,45	7,67	0,98	12,78	4,23	<0,001
Одам-одам	4,12	0,52	12,62	4,33	0,49	11,32	3,22	<0,01
Одам-бизнес	3,56	0,56	15,73	3,86	0,55	14,25	4,19	<0,001

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, тренерларнинг энг юқори кўрсаткичи одам-образ шкаласига бирлашган. Одам-образ шкаласи спортчиларнинг фаолиятида инсон омили қатнашмаслиги, энгил атлетикачиларда турли хил атрибутлар билан ишлаши ва машғулот давомида кўзланган мақсадга эришиш учун ўз олдига қўйган мақсадни самарали равишда бажариш учун маълум бир образни шакллантира олиши лозим бўлади. Энг қуйи натижа одам-бизнес шкаласини намоён қилган. Бу эса, уларнинг тадбиркорлик, бизнес билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ва ҳисоб-китоб билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслигидан дарак беради. Яна бир кўрсаткич одам-белги шкаласида юқорироқ натижанинг қайд этилиши, уларнинг спорт машғулотларида қўлланадиган ишораларга риоя қилишлари билан белгиланиши мумкинлигини кўрсатган.

Касбий тайёрликни ўрганиш сўровномаси натижалари шуни намоён қилмоқдаки, ҳар икки тажриба ва назорат гуруҳидаги тренерларнинг натижалари тажриба гуруҳида назорат гуруҳига қараганда юқорироқ миқдорни акс эттиргани ва репрезентатив танланма тўғри даражада ишлаётганлигини кўриш мумкин.

